



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021  
15-16 IYUL, TOSHKENT

## ХАЛҚАРО ФОРУМ ОЛДИДАН

## АСЛ ИЛДИЗЛАРГА ТОРТИБ

Ўзбек давлати ва жамиятида 2016 йил кузида бошланган, уч минг йиллик давлатчилик тараққиётида ўз эътирофига эришиб улгурган босқич — Янги Ўзбекистон таъсир доираси кенгайиб бораётганини илгасмаслик мумкин эмас. Тарихни биланлар учун ушбу ҳолат иккиланган туғдирмаслиги аниқ. Негаки, ўзбек давлатининг қаричи доимо катта, қарашларининг кўлами улкан бўлиб келган. Энг асосийси, оламнинг эндиги сиёсий турмуши ва харитаси янгидан-янги тушунча, қоида, тенгламалар билан нечоғли бойиб бормасин, уларнинг илдизи барибир ўтмишда қотиб бўлган тузуқларга бориб тақалаверади. Уларни билмасдан туриб эса, мавжуд муносабатлар тизимига тўлақонли баҳо бериш анча қийин кечади. Ушбу тенглама Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий боғлиқлигидек долзарб масалага ҳам тегишлидир.

Марказий (Ўрта), Жанубий Осиё атамалари нисбатан кеча — XIX асрдан бошлаб дунёнинг ғарбий бўлаги вакиллари томонидан муомалага киритилган. Уларнинг сиёсий-ҳарбий, иқтисодий, илмий куч-қудрати ошиб бориши ва унга

тегишчанча умуман Осиё, хусусан, унинг сўз кетаётган теграларининг заифлашиши оқибатида бошқа кўлаб омиллар қатори жуғрофий атамалар ҳам ғарбчалашиб, тез орада тошдек қотган-қўйган. Холбуки, ҳатто ўша география масала-

сида ҳам Шарқнинг жумладан, унинг бош бўлаги Осиёнинг ўз қараш ва илми бўлганини бугун фақат мутахассислар билади, холос.

Марказий Осиёнинг милотдан олдинги II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошларига оид географияси бўйича илк маълумоти биз ватани Хоразм бўлмиш "Авесто"дан топамиз. Унда таърифи келтирилган ўн олти ўлка Сирдарёдан Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудни — асосан, бугунги Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистонни қамраб олган.

Мазмунан милотдан олдинги I минг йиллик иккинчи ярмида шакланган машҳур "Маҳобҳорат" ўзбек ва Ҳинд алоқалари жуда қадим ўтмишга эга эканидан далолат беради.

▶ Давоми 2-бетда

## ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА

“ОРЗУМ ШУЛ, ЎЧМАСИН  
ЁНГАН ЧИРОҒИНИГ...”

Жорий йил июнь ойининг дастлабки куни давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилояти Шеробод туманида қуёш фотоэлектр станцияси пойдеворига тамал тоши қўйиб, муқобил энергетиканинг навбатдаги лойиҳасига старт берди. Навбатдаги дейишимизнинг боиси шундаки, ҳозирги кунда Навоий ва Самарқанд вилоятларида ҳар бирининг қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари қурилиши қизгин кетяпти. Улар шу йил охирига қадар ишга туширилади.

▶ Давоми 3-бетда



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

Хоразм воҳаси шундай хосиятли бир юртки, унинг ҳар қандай одамни ҳам ўзига тортадиган беқиёс сеҳри, жозибаси бор. Чунки Хоразм деганда, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимизга келади.

Шахсан мен қачонки бу замин тупроғига қадам қўйсам, кўҳна тарих сирларидан огоҳ бўлгандек, кўп ҳаётий ҳикматларнинг мағзини чаққандек бўламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти


## ХОРАЗМ:

ТАРИХИ БУЮК, БУГУНИ  
МУНАВВАР ВОҲА

“Истиқлол бизга нима берди?” деган савол ўртага ташланганда табиий равишда рақам ва далилларга мурожаат қиламиз ва бу кўрсаткичлардан ҳайратга тушамиз. Масалан, мустақилликкача Хоразм вилоятида пахта хомашёсини тола ва чигитга айлантирадиган, яна пилла ва чорва маҳсулотларини кустар тарзда қайта ишлайдиган ўн тўртта саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони мингдан ошиб кетди. Сўнги тўрт йилда эса, бу борадаги ўсиш 200 фоизни ташкил этди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдоридан ҳам осмон билан ерча фарқ бор. Энг муҳими, бу маҳсулотларнинг каттагина қисми экспорт қилиняпти.

Муқаддам ақалли қурилиш учун зарур бўлган миҳ ҳам четдан келтирилган вилоятда бугун енгил машиналару қудратли қурилиш техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Булар бари янги Ўзбекистондаги улкан ислохотлар самарасидир.

▶ Давоми 4-бетда



## МУНОСАБАТ

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Дин ва эътиқод масалалари инсон маънавиятининг узвий қисмидир. Мазкур масалаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур ва асосланган билимларга эга бўлиш ҳаётий-амалий фаолиятни тўғри ташкил этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, виждон эркинлиги ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлар сирасига кирувчи ажралмас ҳуқуқларидан биридир. Виждон эркинлиги инсоннинг энг муҳим ҳақларидан бўлса-да, қонунда ўз ифодасини топиб, муҳофаза остига олингандагина чин маънода ҳуқуқ даражасига кўтарилади. Ақс ҳолда шахснинг қалб кечинмаларини ифодаловчи бу ҳуқуқ ҳақиқий маъносини йўқотади.

Конституциямиздаги норма асосида виждон эркинлиги уч жиҳатни англатадиган ҳуқуқий категория сифатида намоён бўлади:

- муайян шахс ҳудода ишончи, хоҳлаган динига эътиқод қилиши мумкин;
- ҳудода ва динга ишонмаслиги, уларга нисбатан бетараф бўлиши мумкин;
- даҳрий, яъни ҳеч бир динга эътиқод қилмайгина

қолмасдан, балки уларни инкор этиши мумкин.

Бу виждон эркинлиги ҳуқуқи айнан шу масалалар билан чекланади, дегани эмас. Одатда конституция давлатнинг асосий қонуни ҳисобланиб, ёритиладиган норманинг умумий жиҳатларини ўзида қамраб олади. Конституция асосида қабул қилинган қонун ва қонун-ости ҳужжатларда норма кенгроқ ёритилади ва шарҳланади.

Конституциядаги 31-модда янги тахрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси биринчи ва иккинчи бандларида кенгроқ очиб берилган. Унда айтилишича, “Виждон эркинлиги — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

▶ Давоми 2-бетда

## МУЛОҲАЗА

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ  
САЛОҲИЯТЛИ БЎЛСА,  
ТАЪЛИМДА СИФАТ БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 16 июнда олий таълим тизимини такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида кадрлар сифатини яхшилаш масаласи бош мавзу бўлди. Ўтган йилларда таълим соҳасида олиб борилган ислохотларнинг натижаси бугун олий таълимда юз кўрсатиши кераклиги тўғрисидаги кўрсатмалар биз, олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларнинг ўз фаолиятимизга танқидий назар билан ёндашиш ҳамда давр масъулияти ҳақида яна бир қарра ўйлашга ундади.

Давлат ва жамият ривожига ўқитувчиларнинг ўрни беқиёс. Таълим тизимини ислох этиш стратегиясида малакали кадрлар тайёрлашга бевосита масъул бўлган профессор-ўқитувчиларнинг обрў-эътиборини кўтариш, уларнинг моддий-маиший муаммоларини бартараф этиш марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу йўналишда салмоқли жайрли ишлар амалга оширилди.

Бундан беш йил муқаддам олий таълимда ишлаган ўқитувчининг ойлик маоши бир миллион сўм атрофида бўлса, ҳозир беш миллион сўмдан ошди. Доцентларнинг маоши 7 миллион, фан доктори, профессорларнинг ойлик маоши 9 миллионни ташкил этмоқда.

▶ Давоми 6-бетда









